Ҳалқ депутатлари Олтиариқ тумани Кенгаши.

2019 yil 17 декабр **№** LXXVI/1 **Олтиариқ ш**

Олтиарик туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган "2020 йил учун Ўзбекстон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 589-сонли Қонунига (Кейинги ўринларда Қонун деб аталади)мувофиқ,2020 йилдан бошлаб Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда эркинликлар берилиб,солиқлар ва йиғимлар бўйича ставкаларини белгилаш,маҳаллий бюджети харажатлариниҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига ҳамда 2020 йил учун Олтиарик тумани бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Олтиарик тумани Кенгаши (Кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади)

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Фаргона вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги "2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги __-сонли қарорига асосан Олтиарик тумани(Кейинги ўринларда - Туман деб аталади) бюджетига юқори бюджетидан ажратилган:

тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 43507.5 минг.сўм миқдорида тасдиқланганлиги;

туман бюджетинингайланма касса маблағи 927.1 млрд. сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
– жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;
– цемент ва оҳактошдан ташқари, алоҳида норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
– электр станцияларидан бошқа тўловчилар томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
– айланмадан олинадиган солиқ.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

– юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;
– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;
– бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана сотуви учун акциз солиғи;
– айрим товарларни чакана сотиш ҳуқуқини бериш учун йиғим;
– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);
– харид қилганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим.

Шу билан бирга, қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 50 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиқлари шаҳар ва туманлар ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

в) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонунга асосан туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) туман ва шаҳарлардан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилади;

б) туманлар ва шаҳарлар бюджетидан:

– фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

– давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йил учун Туманбюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2020 йил учун Туманбюджети захира жамғармаси ҳажми **1.5 млрд. сўм** миқдорида белгилансин.

Туманҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини Туманлар бюджетида кўзда тутилмаган,кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Туман ҳокимлиги, Туман молия бўлими:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилартомонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган

тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминласин, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

8. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг __-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

9. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботлариниКенгашга киритилишинитаъминласин.

10. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун Туман Кенгашигадоимий равишда маълумот киритиб борсин.

11. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

12. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси
Туман ҳокими **Х.Ў.Ниёзов**

Олтиарик тумани маҳаллий бюджетдан 2020 йилда ажратилиши кўзда тутилган маблағлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

минг.сўм

№	Бюджет ташкилотлари номи	2020 йил учун жами маблағ	2020 йил учун (41-11-100)	шундан		2020 йил учун (41-21-100)	шундан		2020 йил суғурта бадали (41-21-200)	4-гуруҳ бошқа харажатлар
				база	индексация		база	индексация		
1	Мактабгача таълим бўлимини сақлаш харажатлари	1248954	832460	778000	54460	206033	192554	13479	333	210128
2	Мактабгача таълим муассасаларини 4-гуруҳ харажатлари	10658609	0	0	0	0	0	0		10658609
3	Умумий ўрта таълим мактаблари 4-гуруҳ харажатлари	3365129	0	0	0	0	0	0		3365129
4	Халқ таълими бўлимлари	2018955	1296540	1211720	84820	320894	299901	20993	521	401000
5	"Баркамол авлод" болалар маркази	767153	598627	559464	39163	148160	138467	9693	241	20125
6	Соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли бошқа муассаса ва тадбирлар	49257706	35439481	33121010	2318471	8775960	8201832	574128	13490	5028775
7	Санитария-эпидемиология станциялари	2512889	1900320	1776000	124320	470709	439915	30794	760	141100
8	Маданият бўлими	139156	111517	104221	7296	27639	25831	1808		
9	Маданият бўлими тизимидаги муассасалар ва тадбирлар	823520	577232	539469	37763	142914	133564	9350	697	102677
10	Ахборот кутубхона марказлари	423386	310607	290287	20320	76875	71846	5029	404	35500
11	Болалар мусиқа ва санъат мактаби	2163531	1733730	1620308	113422	429098	401026	28072	703	0
12	Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	1316536	965220	902075	63145	238945	223313	15632	696	111675
13	Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	80366	61599	57569	4030	15267	14268	999	0	3500
14	Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими	655243	501013	468236	32777	124175	116051	8124	0	30055
15	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	800908	625381	584468	40913	154782	144656	10126	625	20120
16	Ирригация бўлими	1535736	1034262	966600	67662	255980	239234	16746	411	245083
17	Қишлоқ хўжалиги бўлими	501610	387555	362201	25354	96055	89771	6284	0	18000
18	Фермер хўжаликлари марказлашган ҳисобхона	380547	304950	285000	19950	75475	70537	4938	122	
19	Ободонлаштириш бошқармалари	4863924	2416106	2258043	158063	597986	558865	39121	965	1848867
	Шу жумладан, ички йўллар	982462	0	0	0	0	0	0	0	982462
20	Молия бўлими	753376	588626	550118	38508	145890	136346	9544	0	18860
21	Пенсия жамғармаси худудий бўлими	720470	568983	531760	37223	141021	131795	9226	0	10466
22	Ҳокимликларни сақлаш харажатлари	1672062	1229085	1148678	80407	304626	284697	19929	0	138351
23	Халқ қабулхоналарини сақлаш харажатлари	95685	59111	55244	3867	14651	13693	958	0	21923
24	Худудий махалла фуқаролар йиғинининг сақлаш харажатлари	7404321	5837637	5455736	381901	1445497	1350932	94565	2652	118535
25	ФҲДЁларни сақлаш харажатлари	119664	94440	88262	6178	23407	21876	1531	0	1817
26	Ижтимоий нафақа тўловлари	3269902	3269902	3269902	0		0	0		
27	Ун ва нон сотиб олиш учун компенсация тўловлари	449200		0	0		0	0		449200
28	Ҳокимлик ижтимоий мослашиш маркази бўлимлари	102990	17190	16065	1125	4254	3976	278	9	81537
29	Халқ депутатлари Кенгаши котибияти	206598	153543	143498	10045	38055	35565	2490		15000
30	Ҳокимликларнинг заҳира жамғармалари	1489359		0	0		0	0		1489359
	Жами	100779947	60915117	57143934	3771183	14274348	13340511	933837	22629	25567853

Олтиарик тумани туман молия бўлими мудири А Тожиев

Олтиарик туман молия бўлими мудирининг биринчи ўринбосари О Абдуллаев.

Халқ депутатлари Олтиариқ
тумани Кенгашининг 2019 йил
__декабрдаги ____-сонли
қарорига 3-илова

2020 йил учун Олтиариқ тумани бўйича
умумдавлат солиқлари бўйича тушумлар маҳаллий бюджетига ажратиладиган меъёрлари

(фоизда)

№	Даромад турлари	Маҳаллий бюджетга ажратма миқдори
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	100%
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	50%
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	100%
5	Қўшилган қиймат солиғи	
6	Акциз солиғи, жами	
	шу жумладан:	
	- ароқ	
	- табиий вино	
	- бошқа винолар	
	- этилний спирт	
	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100%
9	Ер солиғи жами	
	Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи	
	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100%
10	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	100%
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	100%
12	Йиғимлар	
13	Давлат божи	
14	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	100%
15	Жарималар	
16	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	
	Ж А М И	**х**

Халқ депутатлари Олтиариқ
тумани Кенгашининг 2019 йил
___декабрдаги ____-сонли
қарорига 3-илова

2020 йил учун Олтиариқ тумани бўйича
умумдавлат солиқлари бўйича тушумлар маҳаллий бюджетига ажратиладиган меъёрлари

(фоизда)

№	Даромад турлари	Маҳаллий бюджетга ажратма миқдори
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	100%
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	50%
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	100%
5	Қўшилган қиймат солиғи	
6	Акциз солиғи, жами	
	шу жумладан:	
	- ароқ	
	- табиий вино	
	- бошқа винолар	
	- этилний спирт	
	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100%
9	Ер солиғи жами	
	Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи	
	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100%
10	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	100%
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	100%
12	Йиғимлар	
13	Давлат божи	
14	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	100%
15	Жарималар	
16	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	
	Ж А М И	**х**

Халқ депутатлари Олтиариқ
туман кенгашининг 2019 йил
_____декабрдаги _____-сонли
қарорига
2-илова

2020 йил учун Олтиариқ тумани маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг сўм

№	Ҳудудий маблағ тақсимловчилар номи	Миқдори
Олтиариқ тумани бўйича харажатлари миқдори, Жами		**100 779 947,0**
1.	Мактабгача таълим бўлими	11 839 624,0
2.	Халқ таълими бўлими	5 996 568,0
3.	Тиббиёт бирлашмаси	48 722 882,0
4.	Маданият бўлими	3 326 533,0
5.	Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	1 313 096,0
6.	Бандликка кўмаклашиш маркази	614 342,0
7.	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	749 869,0
8.	Ирригация бўлими	1 451 328,0
9.	Қишлоқ хўжалиги бўлими	469 972,0
10.	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	355 659,0
11.	Ободонлаштириш бошқармаси	5 649 202,0
12.	Молия бўлими	5 410 344,0
	Молия бўлимини сақлаш харажатлари	705 324,0
	Президент Фармонига асосан 2020 йилда иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдорини оширилиши ҳисобига индексация маблағлари	4 705 020,0
13.	Пенсия жамғармаси худудий бўлими	674 021,0
14.	Олтиариқ туман ҳокимлиги	14 206 507,0

Халқ депутатлари Олтиариқ
тумани Кенгашининг 2019 йил
___декабрдаги ____-сонли қарорига
1-илова

2020 йил учун Олтиариқ тумани бўйича маҳаллий бюджет даромадларининг режа кўрсаткичлари

минг.сўм

№	Даромад турлари	Режа миқдори
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	-
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	6 237 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	18 811 500
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 898 000
5	Қўшилган қиймат солиғи	-
6	Акциз солиғи, жами	-
	шу жумладан:	-
	- ароқ	-
	- табиий вино	-
	- бошқа винолар	-
	- этилний спирт	-
	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	-
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	-
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 446 000
9	Ер солиғи жами	7 583 000
	Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи	-
	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	7 583 000
10	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	180 000
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	748 000
12	Йиғимлар	-
13	Давлат божи	-
14	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	4 000
15	Жарималар	-
16	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	-
Ж А М И		**39 907 500**
	Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	**16 714 008**
	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	10 729 773
	Мобиль алоқа хизмати	5 984 235
ЖАМИ ДАРОМАД		**56 621 508**